

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 13 » апрель 2019 у.

№ 309

Toshkent sh.

**Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартибга солинадиган
нархларни (тарифларни) шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш)
ва белгилаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4040-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тарифларни шакллантириш ва белгилашда истеъмолчилар учун кўрсатиладиган хизматлар таннархини тўлиқ қоплаш назарда тутилади, шунингдек, сув таъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш харажатлари ҳисобга олинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

2019 йил 1 июлгача бўлган муддатда барча гуруҳдаги истеъмолчиларнинг совуқ ва иссиқ сув приборлари билан жиҳозланиши ҳамда ушбу приборларнинг текширилиш ҳолатини хатловдан ўтказсин;

2019 йил 1 августгача бўлган муддатда “Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда якка тартибдаги ва кўп квартирали уй-жой фондида совуқ ҳамда иссиқ сув приборларининг ўрнатилишини молиялаштириш манбалари ва тўлиқ якунлашнинг аниқ муддатлари назарда тутилган Совуқ ва иссиқ сувни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш дастурини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2019 йил 1 июлгача бўлган муддатда аҳолининг ичимлик сувни истеъмол қилиш нормативларини қайта кўриб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Молия вазири Ж.А.Қўчқоров, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х.Салиев ва Монополияга қарши курашиш қўмитасининг раиси Н.Ш.Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 13 апрелдаги
309-сон қарорига
илова

**Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартибга
солинадиган нархларни (тарифларни) шакллантириш, декларация
қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом сув таъминоти ва канализация ташкилотлари – Табиий монополиялар субъектлари давлат реестрига киритилган табиий монополиялар субъектлари томонидан кўрсатиладиган сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) (кейинги ўринларда тарифлар деб аталади) шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

сув таъминоти ва канализация ташкилоти (кейинги ўринларда ташкилот деб аталади) – сув таъминоти ва канализация хизматларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилган ташкилот;

нархларни тартибга солиш органи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг топшириғига асосан - Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бош бошқармалари;

рентабеллик – зарур фойда миқдорини (давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва соф фойда суммаси) кўрсатиладиган сув таъминоти ва канализация хизматлари ҳажмига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатлари суммасига бўлиш орқали ҳисоблаб чиқариладиган ташкилотлар фаолияти фойдасининг нисбий кўрсаткичи;

тартибга солиш коэффиценти (камайтирувчи ёки оширувчи) – нарх (тариф) даражасини аниқлаш учун белгиланадиган нисбий миқдор;

тариф сметаси – даромадлар ва харажатлар, ишлаб чиқариладиган товарлар ҳажмлари кўрсаткичлари ҳамда хўжалик субъектининг фаолиятини акс эттирувчи ва тартибга солиш коэффицентини белгилашда асос сифатида қабул қилинадиган бошқа иқтисодий кўрсаткичлар;

инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режаси – Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (кейинги ўринларда “Уйжойкоммуналхизмат” вазирлиги деб аталади) билан келишилган шакл бўйича ташкилот томонидан ишлаб чиқариладиган ва хизматлар кўрсатиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар, инфратузилмага ва фаолиятнинг бошқа турларига киритилган ҳамда мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун зарур бўлган инвестициялар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, амал қилиш давридаги операцион харажатлар сметасини ўз ичига олган режа.

Инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режаси тегишли ҳокимликлар билан келишилган ҳолда уч йилга ишлаб чиқилади ва сув таъминоти ҳамда канализация хизматлари учун тарифларни тасдиқлаш бўйича буюртманоманинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади;

даромаднинг талаб қилинадиган даражаси – сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тарифларни қўллаш давридаги даромадларнинг барча операция харажатлари, сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, кенгайтириш харажатлари, ташкилотнинг молиявий фаолияти бўйича харажатларни қоплаш, шунингдек, соф фойда олиш учун зарур бўлган жамланган суммаси.

3. Сув таъминоти ва канализация ташкилотлари Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бонн бошқармаси (кейинги ўринларда ҳудудий бўлинмалар деб аталади) билан биргаликда сув таъминоти ва канализация хизматлари тарифларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун нархларни тартибга солиш органларига ушбу Низом билан белгиланадиган тартибда мурожаат қилади.

4. Сув таъминоти ва канализация ташкилотлари сув таъминоти ҳамда канализация хизматларини кўрсатишда ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун тарифларни асослашда қабул қилинадиган харажатларни аниқлашда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга амал қилади.

5. Ташкилот декларация қилинган (тасдиқланган, белгиланган) тарифларни мустақил пасайтириш ҳуқуқига эга, бунда:

монопол паст нархларни белгилаш мақсадида тарифларни пасайтиришга йўл қўйилмайди;

тарифлар барча истеъмолчилар учун бир вақтнинг ўзида пасайтирилади ва кейинчалик нархларни тартибга солиш органига бу ҳақда хабар берилади.

6. Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартиби ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тарифларни шакллантириш

7. Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тарифлар ташкилот томонидан талаб қилинган даражадаги даромадга эришиш вазифасига мувофиқ шакллантирилади.

8. Тарифлар алоҳида юридик шахс ҳисобланган ёки ажралиб чиққан ташкилот сифатида фаолият кўрсатадиган ташкилотлар учун алоҳида белгиланади.

9. Ўртача тарифлар ташкилотнинг ушбу Низом 3-бобида кўрсатилган харажатлар таркибий қисмларини ўз ичига оладиган даромадини талаб қилинадиган даражасини сувни реализация қилиш бўйича қўйиладиган ҳажмга бўлиш орқали ҳисоб-китоб қилинади.

10. Ҳар бир турдаги истеъмолчилардан пул маблағлари тушумининг кутиладиган умумий суммаси ташкилотнинг ушбу Низомга мувофиқ белгиланадиган даромадининг талаб қилинадиган даражасига эришиш учун етарли бўлиш шarti билан уларнинг ҳар бирига турли тарифлар белгиланиши мумкин.

11. Ҳар бир турдаги истеъмолчилар учун тарифлар тегишли турдаги истеъмолчига етказиб берилган куб метр сув миқдорига мос равишда ҳисоб-китоб қилинади. Шу тариқа, етказиб берилган дастлабки куб метр сув учун тўлов истеъмол қилинган сўнгги куб метр сувга тўланган тўлов каби ҳисобланади. Кейинчалик ҳисобга олиш приборлари ёрдамида истеъмол ҳажмлари тўғрисида қўшимча ахборот тўпланишига қараб, ташкилотлар ва “Уйжойкоммунхизмат” вазирлиги ўсиб боровчи тарифкацияни ишлаб чиқиб, таклиф этиши мумкин. Бунда паст тарифлар энг кам ҳажм доирасидаги истеъмол, юқори тарифлар эса катта ҳамдаги истеъмол учун белгиланади.

3-боб. Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тарифларни ҳисоб-китоб қилиш

12. Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тарифлар харажатларни, шу жумладан ташкилотларнинг “Уйжойкоммунхизмат” вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режаларига мувофиқ сув таъминоти ҳамда канализация тизимларини кенгайтириш ва модернизация қилиш харажатларини тўлиқ қоплаш принципларига асосан белгиланади ва ушбу режалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

режалаштириш даврида хизматлар кўрсатиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар;

сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш ёки кенгайтириш учун инвестицияларга бўлган эҳтиёжлар, шунингдек, келишилган молиялаштириш манбалари (ўз маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари ва (ёки) тижорат банкларининг қарз маблағлари ҳисобидан);

ўтган йиллардаги харажатлар асосида ҳисобланган йиллик даврий харажатлар сметаси;

даромаднинг йиллик талаб қилинадиган даражасини ҳисоблаш;

сувни реализация қилишдан кутиладиган ҳажмни ҳисоблаш;

сув таъминоти ва канализация хизматлари учун ўртача тарифни ҳисоблаш;

турли истеъмолчилар учун сув таъминоти ва канализация хизматлари бўйича таклиф этиладиган тарифлар.

13. Инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режасининг амал қилиш давридаги ўртача тарифлар ташкилотнинг “харажатлар плус” услуби бўйича аниқланадиган даромадининг талаб қилинадиган даражасини сувни реализация қилишдан кутиладиган йиллик ҳажмга бўлиш орқали ҳисоб-китоб қилинади.

“Харажатлар плус” услубининг мақсади - хизмат кўрсатиш учун доимий (йиллик) харажатлар, инфратузилмани капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш харажатлари, янги инфратузилма барпо этиш ёки хизматларни кенгайтиришга йирик миқдорда капитал сарфлаш қийматини қоплаш учун узок муддатли истиқболда етарли даражадаги даромадни шакллантиришдан иборат.

14. Даромаднинг талаб қилинадиган даражасининг “харажатлар плюс” услуби бўйича ҳисоб-китоби қуйидагиларни ўз ичига оладиган операцион харажатлар (инвестициялар ва хизматлар кўрсатишнинг тасдиқланган режасига мувофиқ) ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади:

йиллик барча ишлаб чиқариш харажатлари (масалан, материаллар, иш ҳақи, электр энергияси, амортизация ажратмалари);

давр харажатлари (масалан, сотиш харажатлари, бошқарув харажатлари, бошқа операцион харажатлар ва зарарлар);

модернизация ва реконструкция қилиш учун ташкилотнинг йиллик даромади ҳисобидан тўланадиган харажатлар;

молиявий фаолиятни амалга ошириш харажатлари (фоизли харажатлар);

ташкилотнинг фойда олиши.

Натижада ҳосил бўлган сумма режалаштириш даврида ташкилот келишилган қарзлар бўйича асосий қарз суммасини ўзининг пулли харажатларини инобатга олган ҳолда, инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режаси амал қиладиган муддатда қоплаши учун етарли бўлиши зарур.

15. Тариф кўрсатиладиган хизматларга тўғри келадиган харажатлар ва соф фойда кўрсаткичлари базасида ҳисоб-китоб қилинади ва қуйидагилар:

нормаланадиган харажатлар бўйича - норматив-техник ҳужжатларни (рецептура, хомашё ва материаллар, иссиқлик ва электр энергияси, меҳнат сарфлаш нормаларини ва бошқалар) ҳамда тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни (ДС, ТС, ТШ, ТБ ва шу кабиларни) ҳисобга олган ҳолда;

нормаланмайдиган харажатлар бўйича - ҳисобот кўрсаткичларининг таҳлили асосида ва нархларнинг прогноз бўйича ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурсларнинг техник ва технологик нормалари тегишли ваколатли органлар томонидан ушбу ресурсларнинг энг кам ва энг кўп сарфлаш диапазонларида тасдиқланган тақдирда, нархни (тарифни) ҳисоб-китоб қилиш мақсадида нархларни тартибга солувчи орган уларнинг ўртача кўрсаткичидан нормаларнинг ушбу диапазони доирасида фойдаланади.

16. Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун харажатлар алоҳида ҳисоб-китоб қилинади ва бунда билвосита моддий харажатлар, ишлаб чиқариш хусусиятидаги қўшимча харажатлар, меҳнат учун билвосита харажатлар, давр харажатлари ва молиявий фаолият харажатлари ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақиға мутаносиб равишда ушбу турдаги хизматлар бўйича тақсимланади.

17. Харажатлар тарифлар амал қилиш даврининг ҳар бир йили учун харажатларнинг инфляция оқибатида кутиладиган ошиши ҳисобга олинмаган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

18. Сув таъминоти хизматлари учун талаб қилинадиган ўртача тариф даврнинг дастлабки йилида қуйидаги тарзда ҳисоб-китоб қилинади:

$$\dot{Y}T = (D_{a1} + D_{a2} + D_{a3} + \text{х.к.з.}) / (X_{c1} + X_{c2} + X_{c3} \text{ ва х.к.з.})$$

бунда:

$\dot{Y}T$ – сув таъминоти хизматлари учун талаб этиладиган ўртача тариф;

D_a – даромаднинг талаб қилинадиган даражаси (йиллар бўйича);

X_c – реализация қилинадиган сув ҳажми (йиллар бўйича).

19. Канализация хизматлари учун талаб қилинадиган ўртача тариф даврнинг дастлабки йилида қуйидаги тарзда ҳисоб-китоб қилинади:

$$\dot{Y}T = (D_{a1} + D_{a2} + D_{a3} + \text{ва х.к.з.}) / (X_{c1} + X_{c2} + X_{c2} \text{ ва х.к.з.})$$

бунда:

$\dot{Y}T$ – канализация хизматлари учун талаб қилинадиган ўртача тариф;

D_a – даромаднинг талаб қилинадиган даража (йиллар бўйича);

X_c – сув чиқариш ҳажми (йиллар бўйича).

20. Йиллик операцион харажатлар аввалги харажатлар, шунингдек, бундай харажатларда таклиф этиладиган ва асосланган ўзгартиришлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

21. Ривожлантириш ва модернизация қилиш учун харажатлар ташкилотнинг соф фойдаси таркибига қўшимча равишда киритилади.

22. Молиявий фаолият бўйича харажатлар қисқа ва узоқ муддатли молиялаштириш учун барча йиллик харажатларни (яъни, фоиз кўринишидаги харажатлар) ўз ичига олади. Молиявий фаолият харажатлари кредитлар ёки облигациялар бўйича асосий қарзни қоплаш харажатларини ўз ичига олмайди. Молиявий фаолият харажатлари фақат узоқ муддатли тегишли қарзлар инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режаси доирасида тасдиқланган ҳолатда, даромаднинг талаб қилинадиган даражаси ҳисоб-китобига киритилиши мумкин.

23. Агар олдинги ҳисобот даврида ташкилот технологик жараёнларни такомиллаштириш ва ресурс тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан ёкилғи-энергетика ресурсларини тежашга эришса, тарифларни навбатдаги қайта кўриб чиқишда ёкилғи-энергетика ресурслари, хомашё ва материаллар учун харажатлар ресурс тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш натижасида қўлланиладиган қайта кўриб чиқилган харажатлар нормалари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

24. Ресурс тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан тежаб қолинган маблағлар соф фойда таркибида ҳисобга олинади ва 50 фоизи инфратузилмани ривожлантириш, модернизация қилиш, энергия ва ресурс тежайдиган технологиялар ҳамда ускуналарни жорий қилишга йўналтирилади. Қолган 50 фоизи эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 19 июндаги ПҚ-655-сон қарорига мувофиқ ташкилот ходимларини рағбатлантириш жамғармасига йўналтирилади.

25. Бунда инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режасига асосан ташкилотни ривожлантириш ва модернизация қилишга йўналтирилган маблағлар, шунингдек, энергетика ресурсларини тежашдан олинган маблағларни соф фойда таркибида ҳисобга олиш ҳисобидан ташкилотлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида” 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон Фармонида мувофиқ белгиланган рентабеллик чекланган миқдорининг 10 фоиздан ошиши монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланмайди ва ошган суммага нисбатан иқтисодий санкциялар қўлланилмайди.

26. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 147-моддасида назарда тутилган харажатлар сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тасдиқланадиган тарифларни шакллантиришдаги харажатларда ҳисобга олинмайди. Бунда аҳолига кўрсатиладиган сув таъминоти ва канализация хизматлари “ноль” ставка бўйича қўшилган қиймат солиғига тортилади.

4-боб. Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тарифларни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш

27. “Уйжойкоммунхизмат” вазирлиги сув таъминоти ва сув чиқаришни назорат қилувчи орган ҳисобланади ва давлат бошқарувининг турли даражаларида сиёсатни бир хиллаштириш ҳамда сектор фаолиятини умумий мувофиқлаштириш учун масъулдир.

28. Сув таъминоти ва канализация ташкилотлари сув таъминоти ҳамда канализация хизматларини кўрсатишдан ташқари инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш бўйича кўп йиллик режалар тайёрланиши учун ҳам масъулдир. Инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режалари маҳаллий давлат ҳокимиятининг тегишли органлари билан келишилган ҳолда тайёрланади. Инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режаларида сув таъминоти ва канализация хизматларини кўрсатиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланади, бундай мақсадларга эришиш учун зарур бўлган капитал қўйилмалар ва операцион харажатлар, шунингдек, барча даврий харажатлар аниқланади. Режалар даромаднинг талаб қилинадиган даражаси ва ўртача тарифларни ҳисоб-китоб қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

29. Ташкилотлар инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режаларини ҳамда тарифларни тасдиқлаш буюртманомаларини аввалги инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режасини амалга ошириш натижаларини инобатга олган ҳолда, жорий режани амалга ошириш даври тугагунига қадар тайёрлайди.

30. Ташкилотлар инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режаларини “Уйжойкоммунхизмат” вазирлигига тегишли ҳужжатларни тайёрлаш мақсадида кўриб чиқиш учун юборади.

31. Ташкилотлар тегишли ҳокимликлар билан келишган ҳолда, инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режаларини ишлаб чиқиш давомида тарифлар бўйича таклифлар юзасидан истеъмолчилар билан маслаҳатлар ўтказди.

32. Сув таъминоти ва канализация ташкилотлари тарифларни декларация қилиш (тасдиқлаш) учун ҳудудий бўлинмалар билан биргаликда нархларни тартибга солиш органларига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ариза билан мурожаат қилади:

а) декларация қилинадиган (тасдиқланадиган) тарифнинг ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисоб-китоби;

б) молиявий ҳисоботлар нусхаси;

в) меҳнат бўйича статистика ҳисоботининг нусхаси;

г) даромадлар ва харажатлар тўғрисида ташкилот бўйича харажатлар ва ҳар бир хизмат бўйича алоҳида харажатлар моддалари акс эттирилган ва қуйидагилар илова қилинган йиғма маълумотлар:

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш моддий харажатларининг мазмуни (хомашё ва материаллар, ёқилги, электр энергиясидан фойдаланиш бўйича тасдиқланган нормалар кўрсатилган ҳолда);

ушбу Низомга 4 ёки 4а-иловаларга мувофиқ шакл бўйича ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш учун тўғридан-тўғри харажатлар ва ижтимоий суғурталаш учун ишлаб чиқаришга тааллуқли ажратмаларнинг мазмуни (меҳнат харажатларининг тасдиқланган нормалари кўрсатилган ҳолда);

ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича асосий маблағлар ва номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари суммасининг ҳисоб-китоби (дастлабки ва қолдиқ қиймат, асосий маблағлардан ва номоддий активлардан фойдаланиш муддатлари, фойдаланишга топшириш муддатлари кўрсатилган ҳолда);

ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича ишлаб чиқариш мақсадлари учун қўшимча харажатлар, материалларга ва меҳнатга билвосита харажатларнинг мазмуни;

капитал ва жорий таъмирлаш харажатлари, шунингдек, ташкилотни ривожлантириш ва модернизация қилиш харажатларининг мазмуни;

ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва соф фойданинг мазмуни (шу жумладан, асосий қарз ва фоизларни қоплаш юзасидан тасдиқланган жадваллар тақдим этилган ҳолда, жалб этилган кредитларга хизмат кўрсатиш учун зарур маблағлар);

ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича фаолиятнинг асосий молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;

д) ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ шакл бўйича натура шаклида ифодаланган кўрсатиладиган хизматлар тўғрисидаги маълумотлар (ишлаб чиқариш (етказиб бериш) ҳажмлари пасайганда пасайиш сабабларининг ёзма асосларини тақдим этиш зарур);

е) ривожланиш давлат дастурларини (мавжуд бўлса) амалга ошириш учун маблағларга бўлган эҳтиёж ҳисоб-китоблари кўрсатилган ҳолда ушбу дастурларнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборот;

ж) ўтган ҳисобот даври учун ривожланиш давлат дастурларининг амалга оширилиши (ёки амалга оширилаётган) натижасида кўрсатиладиган хизматларнинг материал, энергия ва меҳнат талаб қилиш даражасини ўзгартириш тўғрисидаги ахборот;

з) давлат дотацияларига бўлган эҳтиёж ёки қонун ҳужжатларида (зарурат бўлганда) назарда тутилган давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа чора-тадбирлари тўғрисидаги ахборот.

Ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар билан биргаликда барча ҳисоб-китоб материалларининг электрон шакллари ҳам тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тарифларни декларация қилиш (тасдиқлаш) учун бошқа ваколатли органлардаги зарур ҳужжатлар ва ахборотни ахборот ҳамкорлиги орқали, шу жумладан электрон кўринишда белгиланган тартибда мустақил олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборот бундан мустасно.

33. “Уйжойкоммунизмат” вазирлиги тарифлар ҳисоб-китобларни таҳлил қилиб, зарур тузатишларни тегишли ташкилотлар билан муҳокама қилади ва уларнинг яқунлари бўйича тарифларни келишиш учун буюртманомаларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборади.

34. “Уйжойкоммунизмат” вазирлиги ташкилотнинг режалаштириш ва тарифларни шакллантириш бўйича комплекс жараёнини қўллаб-қувватлаш ва назорат қилиш учун жавоб беради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, тарифларни тасдиқлаш буюртманомаларини келишиш жараёнини мувофиқлаштиради. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тарифларни якуний келишишни амалга оширади.

35. Ташкилотлар тегишли ҳокимликлар билан келишган ҳолда, тасдиқланган тарифлар истеъмолчиларга етказилишини таъминлайди.

36. Тарифлар декларациясида (тасдиғида) нархларни тартибга солиш органи томонидан ушбу Низомга 10-иловага мувофиқ шакл бўйича кўрсатилган сана ташкилот хизматлари учун декларация қилинган (тасдиқланган) янги тарифни жорий этиш санаси ҳисобланади.

Бунда нархларни тартибга солиш органининг тарифларни декларация қилиш (тасдиқлаш) тўғрисидаги қарори ташкилотлар томонидан оммавий ахборот воситаларида улар кучга киришидан 15 кун аввал мажбурий тартибда эълон қилинади.

37. Тарифларни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва декларация қилинадиган (тасдиқланадиган) тариф ҳисоб-китоби (ушбу Низомга 2-илова) ёки тариф сметасининг (ушбу Низомга 11-иловага мувофиқ) битта асл нусхаси тарифлар декларация қилинган (тасдиқланган) санадан бошлаб уч кун муддатда ташкилотга, иккинчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий органларига юборилади, учинчи нусхаси нархларни тартибга солиш органида қолади.

Декларация қилинган (тасдиқланган) нарх даражаси сақлаб қолинган тақдирда, декларация қилинаётган (тасдиқланаётган) тарифни ҳисоб-китоб қилиш таркибидаги сарфларнинг (харажатларнинг) битта сатри суммаси сарфларнинг (харажатларнинг) бошқа тури сатри суммаси ўзгариши ҳисобига ўзгарганда, ташкилот тузатиш киритилган ҳисоб-китобни (ушбу Низомга 2-илова) тақдим этган ҳолда, нархларни тартибга солиш органини ушбу ўзгариш тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

38. Тарифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва “Уйжойкоммунизмат” вазирлиги билан келишилган ҳолда, тарифларни тасдиқлаш учун янги ёки қайта кўриб чиқилган буюртманомаларни юбормасдан инфляция индекси ҳисобга олиниб, ҳар йили автоматик равишда тузатилади.

39. Ташкилотларнинг харажатлари ҳаддан ортиқ ошиб кетган ҳолларда, тасдиқланган тарифларни қайта кўриб чиқиш учун оралиқ буюртманомаларни юбориши мумкин.

40. Ташкилотлар чораклик молиявий-операцион ҳисоботларни, шунингдек, тегишли йилда ташкилотнинг молиявий ҳамда операцион кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни (инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режасида кўрсатилган мақсадли кўрсаткичлар билан таққослаган ҳолда) ўз ичига олган молиявий натижалар ҳақида йиллик ҳисоботлар ҳамда инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш бўйича келишилган режалар бўйича ҳисоботларни тайёрлайди ва “Уйжойкоммунхизмат” вазирлигига кўриб чиқиш учун юборади.

5-боб. Якунловчи қондалар

41. Ташкилотлар “Уйжойкоммунхизмат” вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг тегишли органлари (ҳокимликлар) билан биргаликда қайта кўриб чиқилган тарифлар жорий этилгандан сўнг ҳисобга олиш приборлари билан камраб олинмаган истеъмолчиларнинг тўловларини ҳисоблаш мақсадида сув истеъмоли нормаларини қайта кўриб чиқади.

42. Ташкилотлар “Уйжойкоммунхизмат” вазирлиги ва тегишли ҳокимликлар билан биргаликда ишлаб чиқариш объектлари ва истеъмолчиларни келишилган муддатларда ҳисобга олиш приборлари билан 100 фоиз камраб олинишини таъминлайдиган ҳисобга олиш приборларини жорий қилиш дастурининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминлайди.

43. Тўлақонли давлат-хусусий шерикликни (кейинги ўринларда ДХШ деб аталади) ташкил этишни режалаштиришда ДХШ шартномасини тузган ташкилотлар “Уйжойкоммунхизмат” вазирлиги ва манфаатдор бошқа томонларга таклифлар ва шартномалар лойиҳаларини, шунингдек, таклиф этиладиган операцион ва инвестиция харажатлари сметасини, кутиладиган натижалар рўйхати, самарадорлик ҳамда хизмат кўрсатишнинг мақсадли кўрсаткичларини инвестициялар ва хизмат кўрсатиш режалари шаклида кўриб чиқиб тақдим этиши зарур.

44. ДХШ қисман (масалан, хусусий иштирокчининг инвестициялари ёки таваккалчиликлари камайтирилган бошқариш мақсадида) ёки муайян натижаларга ёки кўрсаткичларга эришиш мақсадида ДХШ ташкил этилган ҳолда, ташкилотлар бундай ДХШлар харажатларини, шунингдек, кутиладиган натижалар, самарадорлик ҳамда хизмат кўрсатишнинг мақсадли кўрсаткичларини тарифларни тасдиқлаш буюртманомаларига киритади.

45. Давлат монополияга қариш курашиш органлари тартибга солинадиган тарифлар тўғри шакллантирилиши ва қўлланилиши учун давлат назоратини амалга оширади.

Давлат монополияга қарши курашиш органи ушбу Низом талабларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда риоя этилишини текширади ва ўрганади (таҳлил қилади).

46. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**) Иловалар рус тилидаги матнда берилган.*